8

INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 15 ноябрь, чоршанба • №88 (11.273) • Эркин нархда сотилади

*Вилоят хокимлигида*

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

*Вилоят хокимлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб, «Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур» шиори остида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари–2001» спорт мусобақаларини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бошқарди. Унда вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари ҳамда жойлардаги халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан ахборот берган вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи О. Тожиев йиғилганларни ўтказилажак спорт мусобақалари Низоми билан таништирди. Шунингдек, нотиқ «Олимпиада умидлари – 2001» мусобақаларида вилоятдаги 891та мактаб фаол иштирок этажагини, мазкур тадбирда 522 минг ўқувчи бевосита қатнашишини маълум қилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда бир қанча нуфузли идоралар, ташкилотлар саъй-ҳаракати билан ташкил этилаётган бу кенг кўламли тадбир мобайнида енгил атлетика, баскетбол, волейбол, шохмот, стол тенниси, футбол, қўл тўпи каби спортнинг етти тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Тадбирнинг турли босқичларида кўплаб жамғарма ва ташкилотлар ҳомийлик қилиши назарда тутилган.

*Миллий дастур*

## КОЛЛЕЖ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

**_Ангрен кўркига хол бўлиб тушган бу бино ўзининг муҳташамлиги билан теварақдагиларидан ажралиб туради. У коллеж учун мўлжалланган бўлиб, махсус лойиҳа асосида барпо этилаяпти._**



Унда 900 нафар ёшлар маиший хизмат тармоқларида ишлаш «сир»ларини ўрганадилар. Бу илм-ҳунар даргоҳини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин, шу қисқа муддат ичида катта ҳажмдаги қурилиш амалга оширилди. Унинг барча бинолари қад кўтарди. Шу кунларда эса уларга пардоз бериш ниҳоясига етказилмоқда. Иншоотнинг бош пудратчиси – «Ўзбекшахтақурилиш» ҳиссадорлик жамияти ва унга кўмаклашган ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ҳозиргача 900 миллион сўмдан кўпроқ сармоя ўзлаштирдилар.

Замон талаблари ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида яратилаётган коллежда тўрт қаватли бинодан ташқари қатор қўшимча бинолар ҳам қад кўтарди. Жумладан, 200 ўринли ётоқхона, спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратиб берилган заллар қурилди. Таълим-тарбия жараёнида замонавий ўқув қуролларидан кенг фойдаланиш назарда тутилган. Чунончи, иккита синфхонага 32та компьютер ўрнатилади. Шунингдек, хоналарнинг бирида 24та лингафон ишлайдиган бўлади.



Коллеж бинокорлари уни жорий йил охиригача фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Ҳозирги вақтда қурилишда қатнашаётган 400 нафардан ортиқ бунёдкорларнинг фикри-зикри шу ваъданинг устидан чиқишга қаратилган. Айниқса, 30 йилдан бери бўёқчилик касбини улуғлаб келаётган Ляля Давлетшина, сувоқчилардан Татьяна Махлайд, Инна Сейфершаева, ғишт терувчи Андрей Сафишев, бригадир Ботирхон Усмоновлар меҳнатда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

*СУРАТЛАРДА: коллеж асосий биносининг ташқи кўриниши; ғишт терувчи Андрей Сафишев, коллеж қурилиши бошлиғи Умаржон Комилов, бригада бошлиғи Ботирхон Усмоновлар иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**_14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди._**

Мажлисни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини 2000 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу масала Кенгаш аъзолари томонидан талабчанлик билан муҳокама қилиниб, сессия кун тартибига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси ҳамда бошқа ҳужжатлар қўмита ва комиссиялар томонидан маромига етказилиши ва жойлардаги барча депутатларга тез кунларда етказилиши зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Учинчи сессияда биринчи ўқишда маъқулланган ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган қонун лойиҳалари юзасидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар шуни кўрсатмоқдаки, деб таъкидлади Э.Халилов, кенг жамоатчилик келгусидаги ижтимоий муносабатларимизни тартибга солиб турадиган қонунларимиз замон талабларига мос бўлишини ва тараққиётимизга хизмат қилишини истайди. Шу боисдан ҳам лойиҳаларга доир жиддий мазмун касб этган кўплаб таклифлар қўмита ва комиссияларга ҳанузгача келиб тушмоқда. Афсуски, мамлакатимиздаги мавжуд расмий сиёсий партиялар, хусусан, парламентдаги партия фракцияларида ана шундай фаоллик, талабчанлик деярли сезилмайди.

Улар ўртасидаги жонли баҳслар сессия ҳукмига ҳавола этилаётган ҳужжатлар юзасидан амалий мунозаралар қабул қилинажак қонунларимизда жамият барча сиёсий кучларининг манфаатларини ифода этиш имконини берган бўлур эди.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мақсадида парламент раисининг ўринбосари Б.Бугров раҳбарлигидаги депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

**_(ЎзА)._**



*Алломаларимиз*
*Имом ал-Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг хижрий 910 йиллигига*



*Ўзбекистон деб ном олган юртимиз табаррук замин эканлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор эта олмайди. Диний илмларда ҳам, дунёвий илмларда ҳам жумла жаҳонни лол қолдирган, тарихий кашфиётлар ва ўлмас таълимотлар яратган юзлаб буюк алломалар айнан шу хосиятли заминда камолга етганлар. Мустақиллигимизнинг фарахбахш нурлари туфайли неча йиллардан бери номлари тилга олинмаётган бобокалон алломаларимизнинг маънавий мерослари ҳар биримизнинг ҳаётимизни ажралмас қисмига айланиб кетди. Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисоласида шундай таъкидлаганлар: «Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган... Бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».*

*Ушбу сўзларнинг тасдиғи ҳаётдан ўз инъикосини топмоқда. Биз йилдан-йилга янги-янги аждодларимизнинг илмий фаолиятлари, ҳаётда қолдирган ажойиб меросини ўрганиб келмоқдамиз. Бу йил фақатгина ўзбек халқи эмас, балки дунё жамоатчилиги буюк ватандошларимиз Имом ал-Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ҳижрий 910 йилликларини нишонлайдилар. Ушбу тантаналар айни пайтда тарихимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббатимизнинг ҳам ифодасидир. Зеро, Юртбошимиз ўз сўзларида таъкидлаганларидек: «Биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади». Икки буюк алломанинг ҳаёти ва ижоди бугунги кунда ҳам бизга ибрат ва ўрнак бўлиши шубҳасиздир.*

**_(Имом ал-Мотуридий ва Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг юбилейларига бағишланган материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз)._**

## Талабаларга ғамхўрлик

*Республикамизда телекоммуникациялар соҳасининг ривожланиши Тошкент электротехника алоқа институтида тайёрланаётган мутахассислар малакасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, институтда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг вилоятлар алоқа корхоналари вакиллари билан учрашувларини ўтказиб туриш анъанага айланган.*

Куни кеча ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Учрашувда «Ўзбектелеком» Акциядорлик компанияси бош директори А.Жўрабоев яқин келажакда республика телекоммуникация соҳасининг инженер-техник ходимлари қаторини замонавий технологияларни эгаллаган, малакали мутахассислар билан бойитиш учун билим олаётган талабаларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилишни алоқа корхоналари ўзларининг бурчлари деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади.

Жумладан, «Ўзбектелеком» АК директорлар кенгаши Тошкент электротехника алоқа институтида вилоятлардан келиб таҳсил олаётган талабаларни бепул тушлик овқат билан таъминлаш учун 2000-2001 ўқув йилида 40 миллион сўмга яқин маблағ ажратишга қарор қабул қилди. Эндиликда бу имтиёздан институт ётоқхонасида яшовчи 700га яқин талаба баҳраманд бўлмоқда.

**_(ЎзА)._**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**_Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:_**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 ноябрь.

Олий Мажлиснинг тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисида.
3. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
6. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
7. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Илмий-техника ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
13. Бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

**_Ўзбекистон Республикаси Олий судида қасддан одам ўлдириш, терроризм, мамлакатимиз Конституцияси ва Президентига тажовуз қилиш, босқинчилик ва бошқа ўта огир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан бошланган суд жараёни 13 ноябрь куни давом этди._**

Суд мажлисида тарафлар музокараси бўлиб ўтди. Давлат қораловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Қудратов суд тергови давомида жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари ва видеоматериаллар ёрдамида судланувчиларнинг айби исботланганини таъкидлади. Шу билан бирга 9 нафар судланувчининг одил суддан яшириниб юрганлиги ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътиборни қаратди.

Давлат қораловчиси судланувчилар Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), Муродилла Козиев, Улуғбек Бобожонов, Ҳомиджон Раҳмонов, Шавкат Каримов, Нажмиддин Жалолов, Йўлдош Умаров, Улуғбек Маҳмудовга нисбатан олий жазо — ўлим жазоси қўллашни, Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукуровни эса 20 йилга озодликдан маҳрум этишни, барча судланувчиларнинг мол-мулкини мусодара қилишни суд ҳайъатидан сўради.

Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятлари жамоатчилиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Маҳалла» жамғармаси номидан иштирок этаётган жамоат қораловчилари сўзга чиқиб, зикр этилган жиноятларни содир этганлар халқимизнинг қаҳру ғазаби, нафратига учраши муқаррар эканлигини таъкидладилар. Динни ниқоб қилиб, эл-юртимиз тинчлигини бузиш, одамларнинг мол-мулкини талаш, қотиллик билан шуғулланган кимсаларнинг қилмишлари энг оғир жазога лойиқдир.

Айни пайтда жамоат қораловчилари судланувчилар У.Маҳмудов ва О.Абдувоҳидов ўз айбига иқрор бўлиб, қилган жиноятлари учун пушаймон бўлаётгани, халқимиздан кечирим сўраётганини инобатга олишни илтимос қилдилар.

Суд мажлисида айбланувчиларнинг ҳимоячилари ҳам сўзга чиқиб, ҳукм чиқаришда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилларига асосланиш, судланувчиларнинг жиноятларга бевосита алоқадорлик жиҳатларини инобатга олиш зарурлигини қайд этдилар.

**_(ЎзА)._**

*Акс-садо*

## ХОИНЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Мансабпарастлик, фақат ўзини ўйлаб, элни менсимай чексиз бойлик тўплаш, ҳақиқатни, адолатни оёқости қилиб яшаш учун интилиш касалига мубтало бўлган кимсаларни халқимиз «худбин одамлар» деб таърифлайди. Улардан ҳар қандай ярамасликни, аблаҳликни кутиш мумкин!

Айни кунда дунё аҳли «халқаро террорчилик» деб атаётган қора гуруҳлар тўдаси ана шундай қабиҳ ниятли одамлардан ташкил топгандир. Уларнинг бир гуруҳи, мана иккинчи йилдирки тинч, осойишта турмушимизни кўролмай, унга раҳна солмоқчи бўлиб келмоқдалар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, улар ўзи туғилиб ўсган она юртига, халқига хиёнат қилиб, жамоатчиликнинг нафратига учрамоқдалар. Ватан хоинларига айланган Тоҳир Йўлдош, Салай Мадаминов, Жуман Тожиев сингари муртадларнинг қора қилмишлари, фитналари, кирдикорлари фош этилмоқда. Халқимизнинг қаҳр-ғазабини жумбушга келтираётир. Биз ҳар гал уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан воқиф бўлганимизда, «наҳотки бу қутурган итларни бир ёқли қилиб ташлашнинг иложи бўлмаса» деб ғижиниб қўямиз. Тўғри-да, улар қачонгача асабимизга тегиб, бўҳтон гапларни айтиб вайсаб юрадилар.

Ниҳоят, республика прокуратурасининг «Халқ сўзи» рўзномасида уларнинг ёвузликларини фош этган айбномасини ўқиб, кўнглимиз тасалли топгандек бўлди. Боз устига Ўзбекистон Республикаси Олий судида бошланган суд жараёнларини ҳам ғоят синчковлик билан кўриб бормоқдамиз. Ватан хоинлари ва уларнинг нодон гумашталари ўз қилмишларига яраша жазо олажакларига ишонч ҳосил қилдик. Биз аминмизки, суд ҳукми билан уларнинг бундан буёнги ҳаракатларига узил-кесил барҳам берилади.

**_Ҳ. АҲМЕДОВ,_**
**_Қуйичирчиқ тумани «Нуроний» жамғармаси бўлими раиси._**
**_М. УМАРОВ,_**
**_туман «Камолот» жамғармаси бўлими раиси._**

АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна давом этмоқда!

*Тадбиркорлик*

# МАНЗИЛИ ПСКЕНТ

***Бу қўшма корхона брезент ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У вилоятдагина эмас, республикамизда ҳам ягона ҳисобланади. Маҳсулотини саноатнинг пахта тозалаш тармоғи кўплаб харид қилмоқда ва хомашёни сақлаш учун фойдаланяпти. У пахта заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктларидаги бунтларнинг устига ёпиш ва бошқа мақсадларда ишлатиляпти.***

Яқин-яқинларгача брезент четдан олиб келинарди. Уни импорт қилиш жараёни машаққатли, серхаражат эди. Нархи анча баланд бўлиб, кўплаб волюта сарфланарди. Шунга қарамай, пахта тозалаш саноати корхоналари уни керагича сотиб олишга мажбур эдилар. Пахтани узоқ муддат сифатли сақлаш шуни тақозо этарди. Бу ҳолатни бартараф этмасдан узоққа бориб бўлмасди.

Тадбиркор Ҳ. Жўраев бундай қимматбаҳо материални шу ерда ишлаб чиқариш имкониятларини излашга бел боғлади. Кўп йиллар пахта тозалаш саноати соҳасида ишлаган Ҳакимжон Ибрагимович бунинг учун хориждан шерик излади. Унинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Чехиялик ишбилармонлар бу соҳада ҳамкорлик қилишга розилик билдирдилар.

Шундан кейин Ҳ. Жўраев Пскентдаги собиқ каноп фабрикаси негизида брезент ишлаб чиқарувчи қўшма корхонани барпо этишга киришди. Танланган жой хорижлик шерикларга ҳам маъқул бўлди. Ишлаб чиқариш майдони етарли ва қулай ҳудудда жойлашган эди. Шундай қилиб, қўшма корхона 1995 йилда барпо этилди ва ўзининг дастлабки маҳсулотини буюртмачиларга етказиб бера бошлади. Унда пскентлик 65 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Йилига 700 минг погон метр брезент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона бозорга шахдам одимлар билан кириб кела бошлади. Ўша вақтда унинг салоҳиятидан тўла фойдаланилган бўлса ҳам кейинчалик қийинчиликларга дуч келинди. Хомашёнинг етарли эмаслиги, ишлаб турган асбоб-ускуналар эҳтиёт қисмларининг тақчиллиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда йўл қўйилган бошқа камчиликлар, айниқса, валютанинг етарли эмаслиги жамоа фаолиятига салбий таъсир кўрсата бошлади. Оқибатда кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб борди. 1997-99 йилларда у икки юз минг метргача тушиб қолди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, барпо этиш, ишлаши учун тобора кўп қулайликлар, шароитлар яратиб берилаётганлиги, жумладан, маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган ҳукумат қарорлари бу корхона ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Тадбиркор Ҳакимжон Ибрагимович ишлаб чиқаришни икки баравар кенгайтириб, маҳсулот ҳажмини 1,5 миллион метрга етказиш режаларини тузди. Бунда брезентга бўлган талабнинг ҳозирги аҳволи ва унинг кейинчалик янада кучайишини ҳисобга олди.

Бунинг учун, аввало, янги асбоб-ускуналар сотиб олиш керак эди. Директор шу мақсадда яна чехиялик тадбиркорлар ҳузурига ташриф буюрди. У ердаги «Технолен» тўқимачилик корхонасининг еттита бўлинмасида бўлиб, уларда ишлатилаётган дастгоҳлар ва қўлланилаётган технологиялар билан яқиндан танишди. Ҳамкорлар билан келишиб, 400 минг долларлик асбоб-ускуналарни танлади ва Пскентга олиб келди. Шундан кейин корхонада қурилиш-монтаж ишлари жадал бошланиб кетди. Янги 13та асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси қисқа муддатда ўрнатилди. Эндиликда уларни созлаш ва ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда бўяш-кимёвий моддаларни матога сингдирувчи махсус технологик линия ҳам ишлаб турипти. Уларни бошқарадиган тўқувчилар ўқуви уюштирилди. Қўшма корхонада ишловчилар сони кўпайиб, 110 нафардан ортди. Асбоб-ускуналари эса 25тага етказилди.

Ҳозирги вақтда корхона жамоаси икки сменада ишлаб, кунига 2 минг метр брезент тайёрламоқда. Бир ойда 60 тонна калава ипи қайта ишланмоқда. Бундай хом ашё Фарғонадан келтириляпти. Бу хом ашё масаласида хорижга қарамлик қолмади. Унинг ҳақи вақтида тўланяпти. Бунда «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими корхонага яқиндан ёрдам беряпти.

Жамоа бу йил ўн миллион сўм соф фойда олишни режалаштирган. Бу марра кун сайин яқинлашмоқда. Унинг асосий қисми турли-туман таъмирлаш ишларини амалга ошириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланяпти, ҳайрия ишларига ажратиляпти. Бу йил кўзи ожизлар жамияти, лицейга анчагина маблағ берилди. Ишчи-хизматчиларнинг 80 фоиздан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Улар таътилга чиқишганда соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун битта маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатиляпти.

– Буюртмачиларнинг истаги билан брезентларни уч хил рангда тайёрлаб бериш мумкин, – дейди қўшма корхона бош директори. – Эни 1,2 метрли бу маҳсулотнинг ҳар квадрат метри 1206 сўмдан сотилмоқда. Биз ўз маҳсулотларимизни барча харидорларга, шу жумладан хусусий тадбиркорларга ҳам бемалол сотамиз.

Қўшма корхонанинг Низом жамғармаси 2 миллион 400 минг Америка долларига тенг бўлиб, чехиялик шерикларнинг ундаги улуши 60,4 фоизни ташкил этиб турипти. Жамоа эса ундаги ўз ҳиссасини кўпайтириш имкониятларини изламоқда. Натижада олинаётган фойданинг кўпроқ қисмига эгалик қилиш мумкин бўлади. Бу эса жамоа аъзолари фаровонлигини янада оширишда жуда асқотади.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**

*СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Рустам Абдураҳимов (чапдан) корхона раҳбари Ҳакимжон Жўраев ва бош муҳандис Исмоил Абдуллаевлар тайёрланаётган брезент сифатини кўздан кечирмоқдалар; ишчилардан Иноят Шукурова ва Раъно Эргашевалар дастгоҳни ишга тушириш олдидан созламоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





*Қишлоқ ва ислоҳот*

# КАНОПЧИЛИК ҚАЙТА РИВОЖЛАНАДИ

***Маълумки, каноп қимматбаҳо тўқимачилик хомашёси ҳисобланиб, халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида унга эҳтиёж каттадир. Толаси намликни ўзига сингдиради, ичкарига ўтказмайди. Шунинг учун ҳам у табиий ва сунъий толалардан кескин фарқ қилади.***

Жаҳоннинг барча мамлакатларида ун, шакар, сабзавот маҳсулотлари каноп, жут, зиғир толасидан тайёрланган қопларда ташилади ва сақланади. Шунингдек, каноп толасидан гилам тўқишда ва бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Республикамизда тайёрланган пахта ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари очиқ майдонларда сақланади ва каноп толасидан тайёрланадиган брезент билан ёпилади. Афсуски, бу мато ҳозирги кунда чет эллардан келтирилмоқда.

Халқ хўжалигида алоҳида ўринни эгаллайдиган канопдан 80-йилларнинг ўрталарида вилоятда йилига 320-350 минг тонна ҳосил етиштирилар ва у 11та каноп заводида қайта ишланарди. Бироқ, бозор иқтисодининг тало-тўпи бу экинга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Оқибатда уни экишга эътибор сусайди. Майдонлари камайиб кетди. Ўтган йили вилоятда атиги 3 ярим минг тоннага яқин каноп тайёрланди, халос.

— Биз, — дейди пойтахтдаги «Каноп» жамоа корхонаси бошқаруви раиси Л. Осадчук, — каноп толаси билан етарли миқдорда таъминланган йилларимизда ундан маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга йилига 10 миллион погон метргача мато ҳам ишлаб чиқарар эдик. Ҳозирги кунда бу матони ишлаб чиқариш бутунлай камайиб кетди. Натижада истеъмолчиларимиз бўлмиш пахтакорлар, чорвадорлар, пиллачилар, тамакичилар биздан «хафа» бўлиб қолмоқдалар.

Нима қилиш керак? Бозор иқтисоди муносабатлари шароитида ўз мавқеимизни сақлаб қолиш йўлларини қидирдик. Бошқа толалардан истеъмол моллари ишлаб чиқаришга қисман бўлсада ихтисослашдик. Лекин, бу камлик қиларди. Сабабки, бозорда биз ишлаб чиқараётган матога талаб кучайгандан кучайиб бормоқда. Бу талабни қондириш тўғрисида ўйладик, мушоҳада қилдик ва жамоанинг каноп толасига бўлган эҳтиёжини қандай бўлмасин тўла таъминлаш ва бунинг учун эса каноп етиштирувчи хўжаликлар билан алоқани мустаҳкамлаш, улар билан ҳар икки томоннинг манфаатлари тенг ҳисобга олинган шартнома тузиш керак, деган тўхтамга келдик. Бу фикримизни Қуйичирчиқ тумани ҳокимлигига етказдик. Улар ташаббусимизни якдиллик билан маъқулладилар.

Шундай қилиб, эрта баҳорда мазкур тумандаги Абай номли, «Ўжакент», «Дўстлик», «Юлдуз», «Янги ҳаёт» ва Отажонов номли хўжаликлар билан корхона ўртасида махсус шартнома тузилди. Уни тузишда хўжаликларнинг имкониятлари, фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди. Каноп тайёрлаш ва уни сотиш ҳажми, етиштиришда дала ишларини бажарадиган деҳқонларга тўланадиган маблағ миқдори, шунингдек, харид нархи белгиланди. Энг муҳими топшириладиган каноп учун ҳақни вақтида тўлаш аниқ қилиб кўрсатилди.

Хўжаликлар деҳқонлари «Ана энди каноп етиштирсак, астойдил ва жон койитиб ишласак бўларкан» деб руҳланиб кетдилар. Далани тайёрлаш, техникани созлаш, уруғликни танлаш ва саралаш сингари тадбирларни ғоят иштиёқ билан ўтказа бошладилар. Бу яхши натижалар берди.

— Биз тузилган шартномага мувофиқ, — дейди Абай номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Абдусаломов, — 110 гектар ерга каноп экдик. Ҳосил кутганимиздек яхши бўлди. Ўримни август ойининг ўрталарида бошладик. 1650 тоннага яқин поя етиштиришни мўлжаллаб меҳнат қилдик. Ўрим-йиғимда қатнашган деҳқонлар мўмайгина ҳақ олдилар. Масалан, ўроқчилар ва пояни пўстлоқ ажратувчи машиналарга узатувчилар ҳар беш кунда 13-14 минг сўмдан пул ишладилар.

Дарвоқе, ишчининг ҳам, дала меҳнаткашларининг ҳам моддий манфаатдорлигини ошириш, рағбатлантириш корхонанинг ҳам, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳам турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Келаси йили деҳқонлар каноп экиладиган ерларни кенгайтиришга аҳд қилдилар.

Каноп ўримини оммавий равишда бошлаб, бу ишни намунали ташкил этишда туман ҳокимлигининг ташкилий ишлари, ўтказилган семинар-кенгашнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Мутахассислар бутун мавсум давомида деҳқонларнинг агротехника тадбирларини қандай олиб бораётганликларидан хабардор бўлиб турдилар. Зарур маслаҳат ва тавсияларни бердилар. Айниқса, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш арафасида экинни сўнгги бор қандай суғориш, ўрим технологияси, пояни пўстлоғидан ажратиш, ўзак қолдиқларини камайтиришни таъминлаш ва каноп пўстлоғини товар ҳолига келтириш юзасидан ўтказилган машғулот катта самара берди. Ҳосилни нобудгарчиликсиз ўриб, сифатли хом ашё тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

«Каноп» жамоаси ушбу ташаббуси ва тажрибадан сўнг инқирозга учраган бошқа корхоналар ишини янгидан ташкил этиб, аввалги изга солиш мумкин, деган қарорга келди. Гул қишлоғидаги «Гул» каноп заводи ким ошди савдосига қўйилди. Корхона уни сотиб олди, ўз маблағи ҳисобига таъмирлади ва қайта тиклади. Ҳозирги кунда асосий ишлаб чиқариш бўлимлари, жумладан, хом ашё тайёрлаш ва сақлаш базаси, пўстлоқни ивитиш ҳовузлари, узун ва калта тола ишлаб чиқарадиган, ҳўл толани қуритадиган ва саралайдиган цехлар ишлаб турибди.

Каноп заводи уч йиллик танаффусдан сўнг, ниҳоят, 21 сентябрда янги етиштирилган каноп ҳосилидан бир ярим тонна сифатли каноп толаси ишлаб чиқарди ва «Каноп» жамоа корхонасига етказиб берди.

— Умидимиз катта, — дейди «Гул» каноп заводи директори А. Раҳматов, — корхона янгидан ишга туширилгач, 70та ишчи ўрни очилди. Биз йил охиригача 120 тонна узун ва 50 тонна калта тола ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Ўз фаолиятини таҳлил этиб, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларини ўрганиб ва шу асосда ишни ташкил этган «Каноп» жамоа корхонаси ўзини сифатли ва арзон каноп толаси билан таъминлашга эришди. Эндиликда йил давомида ишни бир меъёрда йўлга қўйиш, зарур миқдорда каноп матосини ишлаб чиқариш имкониятлари очилди.

Корхона янги ҳосилдан олинган тола ҳисобига йил охиригача истеъмолчиларга 100 миллион сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузди. Айни кунларда манфаатдор томонлар бу шартноманинг тўла-тўкис ва ўз вақтида бажарилиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

**Абдуваҳоб УМАРОВ, техника фанлари номзоди.**

# «ХАЛОСКОР» ҒОЛИБ ЧИҚДИ

***Чирчиқ шаҳрида фавқулодда вазиятлар вазирлиги авария-қутқарув ва қидирув кучлари тузилмаларининг минтақавий мусобақалари бўлиб ўтди.***

Мусобақада «Нажоткор» республика қидирув-қутқарув маркази, Чирчиқ шаҳридаги «Халоскор» ҳарбийлашган тезкор ҳаракат қисми, вилоят ва шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари, «Қутқарувчи» ва «Олмазор» қидирув-қутқарув бўлинмаларининг қутқарувчи нажоткорлари ўзаро куч синашдилар.

Мусобақанинг асосий босқичи Чирчиқ шаҳридаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ўйингоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда улар табиий офат натижасида вужудга келган вайроналар орасида қолиб, жароҳат олганларни махсус арралар ва гидравлик домкратлар ёрдамида олиб чиқиш, уларни замбилларда кўтариб хавфсиз жойларга келтириш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чаққонлик билан ҳаракат қилиш машқини бажардилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қутқарувчи нажоткорлар орасида таниқли спорт усталари, моҳир альпинистлар, тажрибали ғаввослар, радиоалоқачилар бўлиб, улар ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишга киришдилар. Улар фавқулодда вазиятларда доимо шай туриш, сел ва сув тошқини рўй берган жойлардан олиб ўтиш ва уларга шошилинч ёрдам кўрсатиш машқи бўйича беллашдилар.

Бундан ташқари, мусобақанинг яна бир муҳим томони шундаки, у қалтис вазиятларда асқотадиган авария-қутқарув жиҳозларидан фойдаланишни такомиллаштириш, уни зудлик билан ишлатиш усулларини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан Чирчиқдаги «Халоскор» ҳарбийлашган тезкор ҳаракат қисми ғолиб деб топилди. «Нажоткор» республика қидирув-қутқарув маркази, пойтахтимизда янги ташкил этилган «Қутқарувчи» қидирув-қутқарув қисми нажоткорлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолибликни қўлга киритган жамоалар махсус совринлар, вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Азамат СУЮНОВ.**

# Шоли мўл бўлди

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Алишер Навоий номидаги шоличилик хўжалиги давлатга 7 минг 600 тонна шоли топшириб, йиллик шартнома режасини уддалади. Шоликорлар минг тонна уруғлик жамғаришга ҳам эришди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 62 центнерни ташкил этди. Бу вилоят бўйича ҳозирча энг юқори кўрсаткич бўлиб турибди.

Эътиборли томони шундаки, шолининг асосий қисми ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида экилган эди. Уларнинг пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилгани, қолаверса, замонавий техникадан унумли фойдаланилгани ана шундай самара берди. Бугунги кунда хўжалик ўзининг замонавий машина трактор паркига эга. Бу эса дала юмушларини вақтида сифатли ўтказиш билан бирга қўшни хўжаликларга 50 миллион сўмлик техника хизмати кўрсатиш имконини берди.

Хўжаликда шоли ўрими давом этмоқда.

**(ЎзА).**

# МАКТАБЛАРГА СОВҒАЛАР

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини моддий рағбатлантириш ҳамда зарур дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика марказий қўмитаси томонидан бир миллион 300 минг сўм маблағ ажратилган эди. Унинг бир қисми вилоятимиз мактабларига тарқатилди.

Шу муносабат билан Тошкент туманидаги 35-мактабда учрашув уюштирилди. Унда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Тўлаганова ва Тошкент тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Шокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, бу совға-саломлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шу тумандаги 9-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига совға қилинган ўқув жиҳозлари учун ҳам маблағ ажратилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# АКЦИЯЛАРИ ХАРИДОРГИР

«Тошвилюктранс» концерни ва унга қарашли кўпчилик акциядорлик жамиятлари жамоалари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳам самарали ишламоқдалар. Натижада даромад ҳам, фойда ҳам анча дуруст олиниб, чиқарилган акциялар учун дивидендлар вақтида тўланмоқда. Шунинг учун ҳам улар чиқарган бу қимматли қоғозларнинг бозори чаққон бўлмоқда.

Кўпчилик автотранспортчилар корхоналарининг ўзларига сотиш учун ажратилган акциялари улушини аллақачонлар харид қилиб олганлар. Эркин бозорда, хорижий инвесторларга сотишга мўлжаллаганлари ҳам ўз харидорларини топмоқда. Чунончи, чет эл сармоядорларига сотиш учун ажратилганлари деярли тарқатиб бўлинди.

Концерн бўйича шу вақтгача 145 минг 57 дона шундай акциялар сотилди. Бундан тушган маблағ 30 миллион 905 минг сўмни ташкил этди. Эндиликда хорижий инвесторларга сотиш учун ажратилган акцияларнинг 4,5 фоизигина ўз эгаларини кутмоқда. Корхона раҳбарлиги бу ишни охирига етказиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ.**

*Саломат бўлинг*

# ГРИПП –УНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ КЕРАК

***Грипп – умумий интоксикация тана ҳароратининг кўтарилиши, дармонсизлик, бош оғриши ва айланиши, кўнгил айниши, баъзан қусиш, нафас йўллари шиллиқ пардасининг зарарланиши билан кечадиган юқумли касаллик ҳисобланади.***

Касаллик вируси нафас орқали нафас йўлларига тушиб, шиллиқ парданинг ташқи қавати (эпителий) ҳужайраларига кириб, уларни емиради. Пўст ташлаган ҳужайралар кўчиб тушади ва нафас олганда, сўзлашганда, йўталганда, аксирганда вирус ҳаво томчи йўли орқали атрофдагиларга юқади. Касаллик бундан ташқари уй-рўзғор буюмлари, болалар ўйинчоқлари, идишлар, сочиқлар ва ҳоказолар орқали юқиши мумкин. Бундан ташқари касалликнинг енгил ва ўзгарган формаси билан оғриган беморлар ҳам даволанмай юриш натижасида теварак-атрофдаги кишиларга касалликни юқтиради.

Касаллик кўпинча кескин бошланади: бемор қалтирайди, иситмалайди, боши айланади, мускул ва бўғинлари ҳам оғрийди, дармони қурийди, кўнгил айнаб қайт қилиши мумкин. Касалликнинг дастлабки соатларида ёки эртасига бурун битиб қолади, тумов пайдо бўлади, томоқ қичишади, қуруқ йўтал пайдо бўлади, ютинганда томоқ оғрийди. Баъзан кўз ёшланади, бемор ёруғликка қарай олмайди. Иситма 2–4 кунгача давом этади, лекин лоҳаслик, дармонсизлик узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Грипп енгил ёки ўзгарган формада ўтганда, беморнинг аҳволи бир оз ёмонлашади, холос. Бу вақтда нафас йўллари эпителийси вируспан кўпроқ зарарланиши мумкин. Агар бемор ётиб, шифокор буюрган даво муолажаларидан вақтида фойдаланмаса, ўпка (пневмания), буруннинг ёндош бўшиқлари (гайморит), ўрта қулоқ (отит) яллиғланиши, юрак (перикардит), миянинг (менингоэнцефолит) зарарланиши каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Бемор уйда даволанганда касаллик атрофдагиларга юқмаслиги учун инфекциянинг олдини олиш мақсадида алоҳида хонага ётқизилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда беморнинг уйнинг ёруғроқ томонига ётқизиб, парда билан тўсиб қўйиш мумкин.

Беморни парвариш қилувчи кишилар оғзи-бурнига тўрт қаватли докали ниқоб тутиб олишлари лозим. Бемор тана ҳарорати кўтарилганда, эти увишганда, уни ўраб-чирмаб, оёғига иссиқ (40 даражали грелка) қўйиш, лимонли ёки нордон мураббоси иссиқ чой ичириш лозим. Бемор ётган хонанинг ҳарорати 18-20 даража атрофида бўлиши керак. Хонани тез-тез шамоллатиб, чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилдларини ҳар куни алмаштириб туриш лозим. Беморга витамин С ва А қўшилган иссиқ ичимликларни (наъматак дамламаси, сабзи суви ва бошқа мевалар шарбати, лимонли ва малинали чой) кўп ичириш тавсия этилади. Овқатлар енгил ҳазм бўладиган ва оқсилга бой бўлиши шарт. Овқатлангандан сўнг ҳар сафар оғизни кучсиз чой сода (натрий бикарбонат) эритмаси билан чайиб, тишларни кунига 2 марта тозалаб ювиш лозим. Бурун катаклари эса вазелин мойига ҳўлланган пахта тампон билан тозаланади.

Бемор ётган хонани дезинфекцияловчи моддалар билан 2-3 маҳал артиб туриш керак. Гриппнинг олдини олиш учун танани чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, бурун ёндош бўшлиқларининг касалликларини ўз вақтида даволаш керак.

Касалликнинг олдини олиш мақсадида куз-қиш даврида аҳоли ўртасида вакцинапрофилактика ўтказиб турилади.

**М. ХОДИХЎЖАЕВА, вилоят Саломатлик маркази услубчи шифокори.**

# ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР БАНК

***Олмаликдаги мармарга ишлов берувчи «Олмос» кичик корхонаси Ўзбекистон Миллий банкининг Олмалиқ филиалидан олган икки миллион икки юз минг сўмлик микрокредитни ўз вақтида қайтарди.***

Корхона банк ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириб, қурилишбоп материаллар тайёрлашни анча кўпайтирди. Бироқ замонавий ускуна сотиб олиш учун яна қарз кўтаришга тўғри келди. Банк кичик корхонанинг янги илтимосини ҳам зудлик билан бажо келтирди. Чунки у қисқа вақт ичида ишончни қозонди.

Умуман, Миллий банк Олмалиқ филиалининг бундай мижозлари кўп. Банк ходимлари ҳам ҳудудда ишлаб чиқаришни юксалтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида ана шу мақсадлар учун ажратилган кредит миқдори 200 миллион сўмдан ошиб кетди.

Айни пайтда 16та фермер хўжалиги, тўққизта хусусий тадбиркор мазкур банкдан микрокредит олиб, энди бошлаган хусусий бизнесини оёққа турғазмоқда. Уларнинг ҳар бирига ўртача икки миллион сўмдан жами 43 миллион 442 минг сўм микрокредит ажратилди.

— Биз эндиликда тиббиёт, маиший хизмат соҳаси билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга ҳам микрокредит ажрата бошладик,- дейди банк филиали бошқарувчиси Насиба Холдорова. — Чунки ҳудудимизда айнан шу соҳаларда оқсаш кузатиляпти. Масалан, Оҳангарон воҳасида хусусий клиникалар жуда оз, маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Бу биз банкирларни ҳам янада фаолроқ ва самаралироқ ишлашга даъват этади.

**Н.ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

